


Шомансуров Шаҳзод Шарофиддин ўғли

**XIX АСР ОХИРИ XX АСР БОШИ
ТОШКЕНТ МЕЪМОРЛИГИ
(ЯНГИ ШАҲАР ҚИСМИ)**

XIX аср охири XX аср боши Тошкент меъморлиги (янги шаҳар қисми)

Тошкент шаҳри ўзининг 2200 йиллик тарихига эга. Ўтган даврлар мобайнида Чоч, Бинкент, Шош номлари билан юритилган шаҳар ўзининг санъати, меъморлиги, турмуш тарзи билан алоҳида ажралиб турган. Айнан янги типдаги шаҳарсозлик ривожидан дастлаб Тошкент шаҳри ҳудудида бошланган. 1860-80 йилларда шакллана бошланган шаҳарсозликнинг тамомила янгича кўриниши Ўзбекистон шаҳарсозлиги тарихида янги саҳифа очди.



Тошкент янги шаҳар қисми харитаси



**Реальное училище
(ўқув биноси)**





1865 йилдан бошлаб Тошкентда янги мавзелар қурилиши бошланган. Эски ва янги шаҳар бир-бирига боғланиши натижасида Тошкент янги қиёфага эга бўлиб борди. Янги услублар асосида шаклланаётган шаҳарда миллий меъморий анъаналар буткул йўқолиб кетмади. Ҳақ даврда фаолият юритган кўплаб рус меъморлари аввалдан мавжуд бўлган, қўлланилиб келинган услубларни ҳам ўзлаштириб, янги иншоотлар барпо этишди.



Дёллар гимназияси
(ўқув биноси)

Аксарият бинолар услубига кўра бир-биридан кескин ажралиб туради. Меъморий лойиҳаларнинг деярли барчасида эклектика мавжуд. Янги кўплаб иншоотлар турли меъморий услубларнинг ўзаро уйғунлашуви асосида бунёд этилган. Шу билан бир қаторда шаҳар табиий иқлими ҳам ҳисобга олинган.



Кадетский корпус

Шаҳарсозликнинг янги кўриниши барпо этилишида темир йўлнинг қурилиши катта аҳамият касб этди. Тошкент 1898 йилдан сўнг тез ўзгариб борди. Янги услуб ва безакдаги иншоотлар қурилишида мустаҳкам қурилиш ашёларидан фойдаланила бошлади. Темир йўли орқали темир, ёғоч каби қимматли материаллар олиб келинган. Бу шаҳарсозлик ривожига катта ҳисса қўшди. 1898 йилдан 1917 йилгача бўлган даврда Тошкент шаҳри ҳудудида кўплаб янги бинолар бунёд этилди. Шаҳар ҳудуди ҳам сезиларли даражада кенгайган.



Оқ уй. Ўлка бошқарув қароргоҳи



Кирха (диний бино)



**“Соғлом авлод учун” фонди
биноси**



Давлат банки бўлими биноси

1865 йилдан бошланган шаҳарсозликнинг янги қисмида дастлабки йилларда асосан бошқарув бинолари ҳарбий аҳамиятга эга бинолар бунёд этилган эди. Кейинроқ аҳоли яшаш уйлари, асосий кўчалар, бозор ва савдо иншоотлари қад ростлаган. XIX асрнинг сўнги чорагида қурилган биноларнинг аксарият бир ёки икки қаватли ва кам безакли эди. Сабаби – улар биринчи бўлиб қурилган. Ҳарбий истеҳком ва бошқарув бинолари аниқ режали ҳамда ташқи кўриниши жиҳатидан оддий ва жиддий қиёфада бўлган.



Д.Н.Захо дўкони (савдо иншооти)



Умумий йиғинлар биноси

Капиталистик муносабатларнинг ривожланиши натижасида Туркистон шаҳарларида аҳоли тез ўса бошлади. Бу эса янги яшаш ҳудудларини ўзлаштириш, кўчалар барпо этиш ҳамда хусусий қурилишларни ривожлантиришга катта таъсир кўрсатди. Бундан ташқари шаҳарда савдо ҳамда ишлаб чиқариш корхоналари ҳам қурила бошлади.



“Ф.Каплан ва ўғиллари” дорихонаси




“Нуроний жамғармаси” биноси



“Вестминистр университети” биноси



Князь Николай Константинович саройи



Князь Шаховский саройи

Шаҳардаги ҳар бир бино кўриниши жиҳатидан бошқасини такрорламаган. Биринчи қурилган ҳарбий аҳамиятга эга бинолар у қадар безатилмаган эди. Аммо кейинроқ қад ростлаган иншоотлар ўзининг маҳобати, безакдолиги, мустаҳкамлиги билан шаҳарга кўрк бахш этиб турган. Ҳатто турар жойлар ҳам алоҳида безатилган. Шаҳарнинг Янги қисмида маҳобатли, безакдор диний бинолар, черковлар, ибодатхоналар ҳам кўплаб қурилган. Аҳоли сони ўсиши сабабли бир қанча турар жой дахалари пайдо бўлган. Турар жойлар ҳам қулайлиги, катта-кичиклигига кўра фарқланган. Баъзи уйлар доимий яшаш учун бошқалари эса бир муддат истиқомат қилишга мўлжаллаб қурилган. Кейинроқ савдо иншоотлари, савдо дўконлари қурилиши кўпайган.